



9 январь  
Ўзбекистон  
Президенти  
сайлови куни

# ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ, ҚУДРАТЛИ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

Ислом КАРИМОВ

# ИНСОН ВАҚОНУН

Қонун - ҳам қилч, ҳам қалқондир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан  
чиқа бошлаган

1999 йил  
21 ДЕКАБР, СЕШАНБА

№ 51 (151)

Сотувда эркин  
нархда

## СОҒЛОМ АВЛОД - ИСТИҚБОЛ ГАРОВИ

Мустақил Ўзбекистон — ўтган асрлар қатъидан маънавий сарчашмаларини очиб, ўзининг миллий, маданий, тарихий ва шу билан бирга умумбашарий қадриятларини тиклаётган мамлакатдир. Айни пайтда бугунги Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамияти билан қадам-бақадам ўзининг мустақил ички ва ташқи сийосатини изчил олиб бораётган, жаҳонда ўз ўрни ва ўз мавқеига эга мамлакатдир. Она-Ватанимизнинг порлоқ истиқболни таъминлаш, уни жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш ёшларимиз қўлида. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президентини, республика ҳуқуқий ёшларимизнинг замонавий билымлари пухта эгаллашлари, баркамол инсон бўлиб етиштирилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб келмоқда. Мамлакатимизда биринчи «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жағмараси ва бошқа шу каби жуда кўп чоралар билан...

ри, келажакни қўзғаб қилинган ишларнинг ёрқин далолатидир. Юртбошимиз Ислом Каримов яқинда бўлиб ўтган Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлагани нутқидан ўтиб бора...



— шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмоний бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, йиғмон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман».

Сир эмас, жамиятимизда ана шундай баркамол авлодга эҳтиёж жуда катта. Яқин ўтмишимиз эсласак, мустақиллик йиллари бундай улғу мақсадлар фақат ушалмас оруздай бўлиб туолди. Истиқбол туғайли ўша — ҳаёлга ҳам келтириш қийин бўлган шарт-шароитлар, имкониятлар юз очди. Биз ўз қадриятларимизга қайтиб, халқимиз ва Ватанимизнинг порлоқ истиқболни ўйлаб бошладик. Порлоқ истиқболга эришиш эса ҳам маънавий, ҳам жисмонан етук авлодни тарбиялаб етиштириш орқалигина қўлга киритилиши мумкин. Зеро, жамият

ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан, сийосатда, иқтисодда, маънавият, маданият, қонун устуворлиги, адолат тантана қилишида биз эришиши кузатишдан улкан ютуқлар, шубҳасиз, ана шу соғлом авлодга бориб тақалади. Биз келажак авлодни қай тарзда камол топтирсак, жамиятимиз, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз ҳаёти ҳам шунга мувофиқ бўлади. Мана шу ҳаётини

Конституция кунига бағишланган йиғилишдаги нутқидан бу масалага алоҳида тўхталиб, шундай деб таъкидлади: «Гап биринчи навбатда, ҳуқуқий ҳимоя қилувчи идораларнинг, шу жумладан, прокуратура, суд, милиция, солиқ, боғхона ва бошқа назоратчи ташкилотларнинг жавобгарлигини, масъулиятини ошириш, ҳокимиятларда ўтирган нопок мансабдорларнинг танобини тортиш ҳақида бормоқда. Бугунги ҳаётнинг паст-баландини билладиган, халқнинг орасида юрди билан инсон билан яхши билан яхши бўлдики, бундай таъабубларга асос бўладиган мисоллар ва фактлар жойларда етарли».

Жамиятнинг янада соғломлаштириш, одамларда эртанги кунга ишонч ва эътиқод руҳини мустақамлаш келгуси авлод саломагини, соғлом болалар туғилиши, уларнинг жисмоний, маънавий ва ақлий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши билан узвий боғлиқдир. Мана шу йиғилишнинг таъминлагани буюк келажакимизга пойдевор қўйишга, коммунал сари юксалишимизга бурчи эканимизни унутмайлик.

Ана шу тарих қонуниятларига таяниб, хулосага келишим, халқимиз ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ Ўзбекистон Президентини этиб сайлаб хато қилмайди ва ўз тақдирини ишончли қўлларга топшириди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Мустақиллиги бевосита шу шахс номи ва фамилия билан боғлиқдир. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий тамойил муваффақият амалга ошмоқда ва уни жаҳон ҳамжамияти «Ўзбекистон модели» деб тан олмақда.

Мафқурасиз бирон бир жамиятнинг гуллаб-яшнаши тасаввур қилиш қийин. Биз ҳақди равишда Ислом Каримовни миллий

мафқураимизнинг асоссисини, деб баралла айта оламиз. Бу мафқура миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда мужассамламоқда. Айни пайтда Амир Темур ва теуриятлар тарихини чуқур ўрганиб келар эдик. XX аср бошларидаги тарихимизни бор

ри деб билган юртбошимиз 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чакриқ XV сессиясидаги маърузасида: «Мен умрбод она халқим билан бирга, унинг хурматига муассар бўлигимдан, таъбир жоиз бўлса, унинг қорига яраган»

Президент сайлови арафасида  
ХАЛҚНИНГ КЎНГЛИДАГИ НОМЗОД

бўйича ўрганиш фақат юртбошимиз ҳасорати туғайли юзга келди. Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бугасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номи билан асаридан инсониятни XXI асрда рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарлардан огоҳ бўлишга чақирди. Булар: минтақавий можаҳорлар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик, экологик муаммолар ва ҳоказолар.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Унда 130дан зиёд турли миллат вакиллари аҳил яшаб, самарали меҳнат қилмоқда. Бу юртбошимиз раҳбарлигида ўша нозиклик билан олиб борилаётган миллий сийosat натижасидир. Мамлакатимизда барча халқлар тенгдирлар, жинси, irqи, этникол ва жамиятдаги мавқеидан қатъий назар қонун олдига бағбаравар жавобдорлар деб таъкидланади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида.

Ўзбекистон давлатининг келажакини қадрлар халқ қилади. Шу мақсадда яратилган қадрлар таърифи Миллий дастурини жаҳон ҳамжамияти тенгиз дастур деб тан олмақда. Бунинг раҳнамоси ҳам юртбошимиз эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу соҳада «Умид», «Устоз» ва «Камолот» жағмаралари сезиларли ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Халқ тақдирини ўз тақдирини билган юртбошимиз Президентини этиб сайлаб хато қилмайди ва ўз тақдирини ишончли қўлларга топшириди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Мустақиллиги бевосита шу шахс номи ва фамилия билан боғлиқдир. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бешта асосий тамойил муваффақият амалга ошмоқда ва уни жаҳон ҳамжамияти «Ўзбекистон модели» деб тан олмақда.

Мафқураимизнинг асоссисини, деб баралла айта оламиз. Бу мафқура миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда мужассамламоқда. Айни пайтда Амир Темур ва теуриятлар тарихини чуқур ўрганиб келар эдик. XX аср бошларидаги тарихимизни бор

нотини таратган улғу йулбошимиз Ислом Каримов номзодага овоз бериш учун... аш боладек ота-онага эргашиб эмас, мустақил ва мағрур сайлов кутиси ёнига бораман. Кечқурун эса дўстларим келишди. Роса аҳойиб кун бўлса керак. Ҳаяжондаман.

Фозилот РУСТАМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги қотна  
назоратчиси

## Инсоният юзлаш-зидентимиз билан 2000

«Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Адолатли фуқаролик жамияти кураётган халқимиз ўз фарзандларининг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол, ақлан етук, эркин фикрловчи, соғлом танли бўлиб вояга етишиларидан манфаатдор эканлигини чуқур англаб етмоқдалар. Соғлом авлод тарбияси бутун жамият ишига айланганлигига эндиликда шак-шубҳа йўқ. Айниқса, ёшлар тарбиясини зиммасига олган заҳматқаш, фидойи касб эгалари-халқ таълими ходимлари олдида соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишдек ўта шарафли ва муқаддас вазифа қўйилган.

Ургут туман Халқ таълими бўлими мудири Исмаил НАБИЕВ билан бу ҳақда суҳбатлашдик:

## АЖРАЛМАС ХАЛҚА

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг босқичма-босқич бажарилиши, шунингдек, 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлиги бир-бири билан боғланган, ажралмас халқга ўқшайди. Йулбошимиз Ислом Каримов ва республикамиз ҳукумати ёш авлод тарбиясини адолатли порлоқ мустақил Ватанимиз келгуси курувчиларга ана шундай беҳад катта ғамхўрлиги тинисолди.

Туманимиз республикада ўқувчилар сонини қўлга жиҳатидан олдинги ўринларда турди. 135 та ўрта ва туликсиз ўрта мактабда 87 миңдан зиёд ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Орда қўлаётган йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллигига саккизта мактабни қуриб, ишга туширишни режалаштиригандик. Янги ўқув йили арафасида туқиқизта мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, туман халқ таълими бўлимининг икки қаватли, за-

## Прокурор назорати МЕҲНАТ ҚИЛГАН ҲАҚИНИ ОЛСИН


Р.Жабборовга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда. Ш.Рашидов тумани СМММК ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишда жамият раҳбари Р.Тойлоқовнинг ўз хизмат вафасининг лозим даражада бажармаслиги оқибатда жамиятнинг дебитор қарзи 3090 миң сўмга етгани маълум бўлди. Шундан 598 миң сўмнинг алоқасон муддати ўтган. Оқибатда ишчи-хизматчиларга 571 миң сўмлик иш ҳақлари тўланмасдан қолган. Бу боқибегам раҳбар Р.Тойлоқовга нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Мустақиллик шарофати билан Республикада халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий таъминотнинг барқарор тизимини шакллантириш юзасидан жиддий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо ҳар тўқисда бир айб дегандек, айрим ҳолларда базий ташкилот ва корхоналарда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаслиги каби ҳолатлар ҳам юз бераётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Турғун ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Сирдарё вилоят  
прокуратураси  
умумий назорат бўлими  
бошлиғи, одлия кичик  
маслаҳатчиси

(Давоми 4-бетда)





МАНГУБЕРДИГА ТАЪЗИМ

Ёшлар ва милиция хизмати

Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуи нафақат Урганч шаҳри, балки бутун Хоразм вилоятининг қурғи, фаҳри ва ифтихорига айланди. Бобомиз таваллуд санаси бутун Республика миқёсда нишонланганга маълум вақт ўтса ҳамки, бу табаррук маскандан айёб ва зиёратчилар қадами аримаётир.



Хизмат топшириklarини адо этдилар. Қасамёд маросимида ёшларнинг жисмоний ва назарий тайёргарлиги, инсоний сифатлари қайд этилди. Маросимда сўзга чиққан вилоят ички ишлар бoshқармаси бошлиғи Т.Худойберганаев, сафга қўшилган ёшларнинг ота-оналари юртимиз ва унинг фидокор халқини, истиқлол йилларида эришилган ютуқларни турли қонунбузарликлар, фитна ва ёвузликлардан муҳофазани асосий вазифаси, шарафли бурчи эканлигини таъкидладилар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Хоразм вилояти ИИБ матбуот хизмати раҳбари

Узоқ ўтмиш, фаровон замонлар, қонли олмасир жанглар, салобатли юришлар шохиди, турли сийбат ва тақдирлар гувоҳи - қадимий ва навқирон Бухоро. Таъриф-таъсифи етти иқлимга таралган, маҳобатли обидалари, нодир асори-атиқалари билан дунёга доғруғи кетган Бухоро республикаси муҳаббатли даврида халқимиз маънавияти, баркамоллиги, фарзандлар содиқлигини даражаси берувчи жуда кўп воқеаларга яна шохид бўлмоқда. Иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирган ана шундай тантаналардан бири яқинда шаҳарнинг бухоролик халок бўлган жангчилар Хотира майдонига бўлиб ўтди.

МАРДАЛАР ҚҲРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ёш аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилдилар



Сўнг майдонда тадбир иштирокчиларига атаб, вилоят санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш қилди. Бўлима ошқонасида аскарлар ва ота-оналарга зиёфат берилди. Фурбатдан фойдаланиб ёш аскарлар билан суҳбатлашди. Дастлабки кунларда янгича ҳаётга кўникшилик бирос кўйин туялганди, - дейди хоразмлик оддий аскар Нодиржон Сафоев. - Сафда юриш, жанговар тайёргарлик, ҳарбий интизомга ўргандик. Ҳарбий низомиларни ўзлаштириб олдик.

куни тўрт маҳал иссиқ овакат. Эрталаб нонуштага иссиқ овакат олдидан икки донадан тухум, сарпёғ, шакар... Тوشкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг Урганч филиали молия ва кредит факультетини битириб, Хоразм вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бoshқармасида ишлаётганим, - дейди оддий аскар Умидбек Хайитов. - Уйланганман. Чегара қўшинлари сафида хизмат қилишга ариза ёзмади. Тўғри қилган эсанман. Мендек олий маълумотли аскарлар бўлинмасида талайгина.

Суратларда: Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуидagi тантаналардан лавҳалар.



Суратда: Жумабой ҚОЗОҚОВ



ЁМОН ХУЛҚ - ОФАТ!

Инсон фарзанди улғайдан сўнг ҳам ақлини вақтида тўпала олмаса, тўғри йўлни йўқотса, жони азоба ўтаркан. Фақатгина ўзини азоба қўлиб қолмасдан, бошқаларнинг умрини ҳам зовлаб, атрафбидгаларнинг дилини сиёҳ қилишга сабаби бўларкан. Мумтоз шоиримиз Асадий Тўсий:

Ишлайми санкиб юрди, ичкиликка ружу қўйди. Ичкилик эса яна бе-зорликка йўллади. У 1990 йил декабр ойида Янгир шаҳар суди ҳукми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилинди. Бу жазони ҳам тула ўтаб келган Абдуманнобга атрафлагилар, хусусан, ота-она ва иниси: «Энди ақли кирган бўлса керак. Яхши бўлиб кетар» деб умид боғладилар. Ишонса бўлади-да! Энди болаларини қолмади, ёши ҳам қирққа қараб бораётган эди...

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БҮЛАДИ...

Суҳбатдошимиз Сариев тумани Шарғун шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Муҳиддин Ҳўжаев шундай фикрга. Тўғри, бу гап бизга ҳам жуда ёқди. Қанийди, бутун республикамизда жиноятчилик атамий усур бутунлай йўқолиб кетса! Бундан ўн йил олдин вазиятни бир кўз олдингизга келтириб қўйинг. Жиноятчилик шу даражада палак отиб, томир ёйган эдики, одамлар бизга - ҳўқуқ-тартибот ҳолимларига ишонмай қўлиб эдилар. Қўччиликнинг наздида биз жиноятчиларга шерикдек бўлиб қўринарлик. Уша пайтларги ўзим ҳам бу соҳанинг хизматини бўлиманман афсусланган дамларим бўлган. Ахир бир жиноятчи оғир ўқини кўйиб, кеча-ю кундўз тинмай ҳаракат қилсангда, юқоридан биров шарта «фалончига тегма» деб турса...

Бизнинг муроҳабамиз бошида рақамлардан фойдаланмасек дегандин. Аммо бунинг сира иложи йўқ экан. Жиноятчиликнинг ўтган йили ва бу йилги ҳолатини аниқ рақамлар билан сўзлаб берсангиз. - Бизда жиноятчиликнинг олдини олишга жуда жиддий эътибор қаратилган. Шу мақсад йўлида Шарғун шаҳар ҳўқими Юсуф Мелибоевнинг ташаббуси билан ҳўқимлик қошида «Ижтимоий қўнмақ» маркази ташкил этилди. Бу марказда нафақат ёшлар, балки жазо муддатини ўтаб кетганлар билан ишлаш, уларни меҳнат биржларининг қўмағида ижтимоий фойдаланишга жалб этиш, ҳўқимликнинг бўлиб кетиши, ҳўқимликнинг ҳўқимлик бўлишига қўмрақлик қилиш, ҳўқимликнинг ҳўқимлик бўлишига қўмрақлик қилиш, ҳўқимликнинг ҳўқимлик бўлишига қўмрақлик қилиш...

Шавкат МАРДОНОВ, Сирдарё вилояти Зарбдор тумани прокурори, Зайиуддин ДУСТАТОВ, «Инсон ва қону» мухбири

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қону» мухбири

Суҳбатдош: Аномурод ЖУМАҚУЛИЕВ

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МҲҚАРРАР СИРТМОҒИ ҲЗИ БИЛАН...

Гиеҳвандлик иллоти дунёнинг покляниши йўлидаги энг катта тўсий-говлардандир. Бугунги кунда гиеҳвандлик воситалари ёки психотрон моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятчиликни авж олдириши, жамиятнинг иқтисодий ва маданый негизига салбий таъсир қўрастиши, бангилек вояга етмаган ёшларни захарлаб, оилаларнинг барбод бўлишига олиб келиши барчага аён. Минг афсуски гиеҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчилар, уни сотиб, ташиб даромад олувчилар, босқинчилик, талончилик ва оғир жиноятларни содир этувчилар ҳам учраб турибди.

Самарқанд вилояти Булуғур туман судида ҳудди шундай жиноят иши кўриб чиқилди. 1952 йили Уругут туманида туғилган, ҳозирда олти нафар фарзанднинг отаси Абдулла Тўйчиев захри қотил бағанца гирифтор бўлган экан. У шу йилнинг феврал ойида Тожикистон Республикаси Панжикент туманидан келиб, дайдиб юрган Пулат ва унинг шериклари билан танишиб қолади. Уларнинг «2 килোগрамдан кўпроқ наркотик модда бор, шунги сотиб беринг» деган таклифларини баҳонидил қабул қилади. Мўмай даромад қилишни мўлжаллаган Абдулла захри қотилини, маълум муддат ўз уйда ашириб туради. 16 май куни эса унга харидор топилади. Улар Бобокўл исмли харидорга 2 кг «опий» гиеҳвандлик моддасини 600000 сўмга пуллашаётган пайтда Самарқанд тумани ИИБ ЖҲБ ходимлари томонидан қўлга олинадил.

А.МАТЧОНОВ, Урганч туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, ОБЕК ЖУМАНИЕВОВ, журналист

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан мактабларда тажриба-синов майдонлари жорий этилди. 34-мактаб физика-астрономия фани ўқитувчиси Абдуқодир Мирзаевнинг илгор иш тажрибаси республика мактаблариغا оммалаштирилди. Ун саккизта мактабда компьютер техника воситалари ўқиувчилар ихтиёрида. Янги турдаги ўқув масасалари ташкил этиш ва улар фаолиятини жонлантириш чоралари қўйилапти. Битта лицей, битта лицей мактаб, иккита гимназия синфлари мавжуд ўқув

муассасаси, учта спорт мактаби ва бошқа мактабдан ташқари муассасалар ўқувчилар ижодий қобилиятлари ўстирилишига қаратилган. Маълумки, Ургутдан жуда кўп ҳуқуқшунослар етишиб чиққан. Ана шу аънава давом этмоқда. Ҳуқуқчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларни

асослари» дарсларини ўқитишга ҳуқуқшунослар жалб қилинган. Ингирмага яқин мактабда ўқувчиларга ҳуқуқшунослар

асослар» фанидан мактабларда юқори савияли машғулотлар олиб бораётганликлари таҳсинга лойиқдир. Ҳар йили туман мактаблари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида курик-танлов ўтказилиб турилибди. Бу билан ўқитувчиларимиздан 70 нафари «Инсон ва қонун» газетасини, 20 нафари «Ҳаёт ва қонун» журналин оладиган бўлишди. Ҳуқуқий нашрларга обуна тугаган эмас. Фусатдан фойдаланиб газета ва журналнинг ходимларига «Соғлом авлод йили»да кўп сонли ўқувчиларни қонун илмидан, ҳуқуқий билимлардан баҳраманд этишда юксак ижодий мувофақиятлар тилайман.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхбатлашди

Соғлом авлод йили ХАЛҚА

дарс ўймоқда. Айниқса, Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги ҳуқуқшунос маслаҳатчиси О.Турсунова, адвокат С.Бердиев кўп йиллар маъмурий идораларда ишлаган О.Раҳимов, А.Хуррамовлар «Давлат ва ҳуқуқ



Аллалар айтаман, оппогим сенга, Ойдаи тўлиб ухла, босингда офтоб. Аллалар айтаман, ардогим сенга, Тунлари бошингда онанг мохитоб.

Жон болам, сен менинг умрим мезони, Сен борсан, боғимнинг бўлмас ҳазони. Сен борсан, омонда онангнинг жони, Аллалар айтаман, қароғим, сенга.

Тойчоқлар улгайиб, от бўлар бир кун, Лоқайдлик чекингай, ёт бўлар бир кун. Умидлар барқарор, бут бўлар бир кун, Аллалар айтаман, тойчоғим, сенга.

Бағримни тўлдириб ўсгин, жон болам, Дунёни қулдириб ўсгин, жон болам. Егйинни йўлларин тўсгин, жон болам, Аллалар айтаман, посбоним, сенга.

Онанг армонлари ойдан да гузал, Шарқираб окувчи сойдан да гузал. Сен шўрмин, қўшгим, ойдан бир гагал, Аллалар айтаман, армоним, сенга.

Танрига қилурман болам ибодат, Шу тонги калоним бўйсин ижобат. Муслим бўл, тоғайсан болам, ҳидоят, Аллалар айтаман, осмоним, сенга.

Боғлар яратгайсан, боғим бор, дерман, Кексайсан суянчим, тоғим бор, дерман, Сенга бахту-икбл бўйсин ёр, дерман, Аллалар айтаман, зурёдим, сенга, Аллалар айтаман, бунёдим, сенга.

Ойша ПАРДАЕВА

Суйиб-қуйиб суйдирдим-ку мен ўзимни...

ВИКОР

Ул кишим кибрли ўтмишлар ҳай-ҳай, Кўз қири-ла боқиб, куйдириб, ёқиб. Викор бунчалар ҳам ярашмиш унга, Бизчи ўтирибмиз ёниб, тутакиб. Чикиб кетадилар бепарво, мағрур, Ортилган умидлар йиғлаб чопарлар. Кўзларда синиб қолган туйғулар. Билмам қай кўнгилдан малҳам топарлар. Дунё экан бир кам габли, аламли, Бу савдода қуймиш не-не санамлар. Ойнинг ҳам бу ҳолдан юзлари доғли, Анув зот эғлиб келмиш қаранглр...

Бу қунларнинг ранги кўп рангин, Айриқидир жуда кўп маҳзун, Иккимизни айламиш забун. Сиз уёқда йиғлайсиз беун, Менинг бунда жигаримдир хун. Ҳай-ҳай улан, жоним улан-эй, Уланчи ёр борми омон-эй, Айриқнинг доғи ёмон-эй. Сиз уёқда йиғлайсиз беун, Менинг бунда жигаримдир хун. Армонли дил ёнаса қулмас, Бу қунлардан кўнгил ҳеч тўлмас, Сизни бир бор кўрмасам бўлмас, Сиз уёқда йиғлайсиз беун, Менинг бунда жигаримдир хун.

Кўзларининг қароси ҳам ўзим эдим, Юрагининг яроси ҳам ўзим эдим. Бехудага суюнмангиз, танноз қизлар, Сиз юз мингсиз, менинг танҳо ўзим эдим. Чехрасида мунгли соғинч йиғлаб турар, Кўз ўнгида икки кўзим ёниб қулар. Нодон қизлар ўзларича қуйиб юрар, Дилдаги оғир бир тош армон ўзим. Суйиб-қуйиб суйдирдим-ку мен ўзимни, Қулгуларим жарангини, ҳар сўзининг Бекор энди, макр турин тўқимангиз, Юрагига жойлаб қуйдим мен ўзимни.

Шарофат ИСКАНДАР қизи

ҚАЙСИ КАСБ ЭГАЛАРИ МУСТАҲКАМ ОИЛА ҚУРАДИ?

Бу қизиқ!

Америкалик тадқиқотчи Теодор Гринштейн узоқ йиллар мобайнида дунёнинг кўплаб мамлакатларида оила қурувчи ва ажралувчилар ҳақида маълумот тўплаган. 16 мингдан ортқ ажралувчиларни ўрганган.

Унинг фикрича, мустаҳкам оила қуролмайдиганлар тоифасига кўпроқ ёзувчилар, шонирлар, ресторон хизматчилари, юк машинаси ҳайдовчилари, расомлар, қурувчилар ва ҳарбийлар каби касб эгалари кирар экан.

Эркак ажраландиган аёллар ҳам кўпроқ ресторонда, савдо тармоқларида, фабрикаларда, олади-сотдида ва сарташонларда ишловчилар орасидан кўпроқ чиқар экан.

Мустаҳкам оила соҳиблари рўйхатининг бошида дин пешовлари турар экан. Бу рўйхатда қарантқ, электриклар алоҳида ўрин тураркан. Мактаб директорлари, ўқитувчилар, фермерлар, компьютер бўйича мутахассислар, ҳисоб-китоб (молия, бухгалтерия, банк) касби ҳодимлари, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, кам ажралдишаркан. Айниқса, кассир аёллар мустаҳкам оила таъинчи ҳисобланаркан.

Қаранг-а, касбларнинг ҳам ўз «балоси» бор кўринади.



Германиянинг МаксаПланка Университети олимлари қизиқ тадқиқот ўтказишган, яъни хизмат пайтида ходимларнинг телефонда сўзлашувларининг фойда-зарарини ўрганишган.

Аниқланишича, ходимларнинг хизматта оид мавзудаги телефон сўхбатлари ишчанликка — меҳнат самардорлигини оширар, фаолиатка — вазифаларни ало этишга ижобий рўл бағишлар экан. Айни пайтда нақдлар олдиди сўзлашув бўлмасин, хизмат пайтида «оила, уй, иқир-чиқир»ларига оид сўхбатлар ходимлар асаб системасига салбий таъсир кўрсатаркан. Ишдан, асосий вазифани ало этишдан чалғитар, фикрларни тарқатиб юборар, улар ўнганганча аллақанча вақт бекорга йўқотилар экан.

Махсус асаблар (компьютер) орқали ўрганилганда, телефонда шахсий масалалар, керакли-кераксиз «валдачловчи»ларнинг меҳнат самардорлиги деярли нолга яқинлашиб қоларкан.

Қизиқ, бизда буни билишармикан?!

Бу анча қизиқ!

УЙҚУГА ЁТИШГА ҚАРАБ ОДАМГА ТАВСИФ БЕРИШ МУМКИН

АҚШлик Жеки Боулс деган олим ўз тадқиқотлари натижасига кўра кишиларнинг уйқуга ётиш вақтига қараб шахсини, характери билдириш мумкинлигини аниқлабди.

Унга кўра, ҳар кеч деярли бир вақтда уйқуга кетадиган одамларнинг аксариси бу олати билан нақдлар ўзгаларга «ноқулай» бўлишмасин, ўз сўзида мақам турадиган, ишончли ва қатъиятли шахслар бўлишар экан.

Уйқуга қачон ётишини «ажратмайдиган», вазиятга қараб ухлайдиган одамлар ҳаракатчан ва бироз қизиқсон бўлишсалар-да, бўлар-бўлмаста қуюшқондан чиқмайдиган, аксарини ҳолларда оиласига содиқ, хотинига вафолор, худбинликдан йироқ, яъни дўст бўларкан.

Эрта уйқуга ётадиган одамлар учун оиласи ва ўз уйи-улан тўшагидан азиз жой бўлмас экан.

Ярим туи (соат кечаси 12)га яқин уйқуга кетишни олат қилганлар ўз турмуш тарзининг молиявий тарафига кўпроқ қайишадиган, ташкилотчи, очикқўнгил, ўз ҳаракатларини жилдовлай биладиган одамлар бўларкан. Улар орасида романтиклар, тақдирга ишонувчилар, дўсту яқинларидан турли соғва-саломларни аямайдиган шахслар кўпроқ учраркан.

Алламаҳалатча ухламайдиганлар оладта, ҳаётда гажувм давралари ёқтирамайдиган, ёлғизликни яхши кўрадиган, мустақил фикри шахслар бўларкан. Улар орасида юксак тафаккур эгалари кўпроқ учраркан.

Ўз уйқусини вазиятга қараб бошқара биладиган, хоҳлаганда ухлаб, истаганда бедор бўла оладиган иродата эга шахслар ҳар қандай ишда, хизматда, умуман, ҳаётда энди ижобий ва юксак ишончли, моҳир ва кучли одамлар ҳисобланаркан.

ОАВ хабарларидан тузилди

КУАГА ДУНЁСИ. Янги рус сабазвот дўконларида айлиниб юрарди. Бу нима? - сўради у биринчи пештахта олдиди. -Олма... -Ҳар бирини алоҳида қозога ураб, 50 кило машинага ортинг! -Бу нима? -Олхўри... -Ҳар бирини алоҳида қозога ураб, 50 кило машинага ортинг! -Бу нима? -Майиз, - деди дўкон эгаси ва тезда қўшиб қўйди, - у сотилмайдил!

«Мерседес» сотиб олаётган янги русдан сотувчи сўради: - Адашмасам, сиз ўтган ҳафта «Мерседес» сотиб олгандингиз? -Тўғри, лекин унинг қулдони тўлиб қолди. -Ҳамма одамларга ўхшаб, оёқларингизни бирор нарса билан артиб қуритсанг бўлмай-дими?

РАССОМ ҲАЗИЛИ. -Одам маймундан тарқаганлигига ишонмасанг, дадангнинг юзига қара!

БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Жиззах вилоят Адлия бошқармаси 1997 йил 28 августда Қўшмағов Иргал номига берилган Г1 000023 сонли нотариуслик лицензиясини ва 1999 йил 26 майда Атаян Элеонора номига берилган Г1 000073 сонли адвокатлик лицензиясини билдиради. Эрдавлат ОДИЛОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ. МУАССОНО ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ. ИНДЕКС: 646882. «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятини саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмаханасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Бюжети Г-0668. Тиражи -10.000. Босишга тоштинри вақти 21.00. Босишга тоштинрида 20.00. Навбатчи: О.ХУДОЙБЕРДИЕВ. Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У.ДЎСМАТОВ. Компьютерда терувчи: М.ДЎСТОВА. 700047, Тошкент шаҳри, Сайиллох кўчаси 41-уй. «Инсон ва қонун» газетаси 1999 йил 21 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таъини матбуот бўлимида 41-сон билан рўйхатдан ўтган.